

## **Фавқулодда вазиятларда фуқароларни қутқариш ишларига жалб этиладиган волонтёр-қутқарувчилар тўғрисида**

### **НИЗОМ**

Ушбу Низом волонтёр-қутқарувчиларни фаолиятини тартибга солиш учун асос бўлиб хизмат қиласи. Йирик кўламли табиий ва техноген ҳусусиятли фавқулодда вазиятларда ахолини қутқариш ишларига жалб этиш учун волонтёрлик гурӯхлари шакллантирилади ҳамда волонтёр-қутқарувчиларни зилзила билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар содир бўлганда фуқароларга ёрдам кўрсатиш ишларига кенг жалб этиш мақсадида, волонтёр-қутқарувчиларни кўллаб-куватлашни мумкин бўлган шаклларини белгилайди.

#### **1. Умумий қоидалар**

1.1. Низом Ўзбекистон Республикасининг “Волонтёрлик фаолияти тўғрисида”ги ва “Қутқарув хизмати ва қутқарувчининг мақоми тўғрисида”ги қонунларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 17 апрелдаги “Бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини ошириш ҳамда сейсмик хавфни мониторинг қилиш фаолиятини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ – 161-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар кўлланилади:

**волонтёр-қутқарувчи** – бу муайян дастур бўйича қутқарув ишларига тайёрланган ва белгиланган тартибда аттестациядан ўтган ўн саккиз ёшга тўлган жамият ва давлат манфаатлари йўлида беғараз меҳнат шаклида волонтёрлик фаолиятини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига эга бўлган жисмоний шахс;

**волонтёрлик фаолияти** – ушбу Низомнинг 1.3-бандида кўрсатилган соҳаларда жисмоний ва (ёки) юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб беғараз амалга ошириладиган, эркин хоҳиш-иродага кўра бажариладиган, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган, жамоат учун фойдали бўлган ихтиёрий фаолият;

**волонтёр-қутқарувчилар гурӯхи** – волонтёрлик фаолиятини биргаликда амалга ошириш мақсадида ташкил этилган, ўн нафаргача кишидан иборат бўлган шахсларнинг ихтиёрий гурӯхи;

**қутқарувчи-волонтёрлар отряди** – бир нечта волонтёр-қутқарувчилар гурӯхларидан ташкил топган, ушбу Низомнинг 1.3-бандида кўрсатилган соҳаларда волонтёрлик фаолиятини биргаликда амалга ошириш мақсадида ташкил этилган волонтёр-қутқарувчилар бирлашмалари;

**қутқарув ишлари** – фавқулодда вазиятлар худудида одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлигини саклаш, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг мол-мулкини, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ва уларга хос бўлган хавфли омиллар таъсирини йўқотиш ёки имкон қадар камайтиришга қаратилган ҳаракатлар;

**фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш** – олдиндан ўтказиладиган ҳамда фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфини имкон қадар камайтиришга, бундай вазиятлар рўй берган тақдирда эса, одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлигини сақлашга, атроф табиий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талафотлар миқдорини камайтиришга қаратилган тадбирлар комплекси;

**фавқулодда вазиятларни бартараф этиш** – фавқулодда вазиятлар рўй берганда ўтказиладиган ҳамда одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлигини сақлашга, атроф табиий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талафотлар миқдорини камайтиришга, шунингдек фавқулодда вазиятлар рўй берган ҳудудларнинг кенгайишига йўл қўймасликка ҳамда хавфли омиллар таъсирини тугатишига қаратилган қутқарув ишлари ва кечикириб бўлмайдиган ишлар мажмуюи.

1.3. Қутқарув ишларига тайёрланган ва белгиланган тартибда аттестациядан ўтган ўн саккиз ёшга тўлган волонтёр-қутқарувчилар томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган волонтёрлик фаолиятининг йўналишлари:

табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазият оқибатида ҳамда бахтсиз ҳодисалар натижасида жабрланган фуқароларга биринчи ёрдам кўрсатиш;

зилзила билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар содир бўлганда фуқароларга ёрдам кўрсатиш, профессионал қутқарув бўлинмалар ишларига қўмаклашиш;

жабрланганларга гуманитар ёрдам кўрсатиш (озик-овқат ва сув етказиб беришни ташкил этиш, буюмларни йиғиш ва бошқа мумкин бўлган ёрдам) ишларига жалб этиш;

фавқулодда вазиятлардан зарар кўрган ҳудудлардан одамларни эвакуация қилиш ва бошпанасиз қолганларни вақтинча яшаш жойларига жойлаштириш, шунингдек, ижтимоий реабилитацияга муҳтоҷ шахсларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ёрдам бериш.

1.3.1. Фавқулодда вазиятларни олдини олиш соҳасидаги тадбирлар:

маълумотларни тарқатиш (босма материаллар брошюралар, буклетлар ва бошқаларни тарқатиш орқали);

йиғилишлар, акциялар, кўргазмалар, танловлар, спорт, интеллектуал ва бошқа ўйинлар, тарғибот жамоаларининг чиқишилари ва бошқа тадбирларни ишлаб чиқиш, ўтказиш ва иштирок этиш;

болалар боғчаси тарбияланувчилари, мактаб ўқувчилари, нафақаҳўрлар, кўп болали оилалар, маҳаллалар аҳолиси ва бошқалар билан ишлашни ташкил этиш;

фавқулодда вазиятларни олдини олиш юзасидан тарғибот-ташвиқот материалларини ишлаб чиқиш (плакатлар, брошюралар, эслатмалар, видеороликлар);

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ёнгин хавфсизлиги бўйича маълумотларни (сўровномалар, тестлар) тўплаш.

1.3.2. Фавқулодда вазиятларда жабрланганларга ёрдам кўрсатиш:

жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш;

қутқарув ишларида иштирок этиш;

жабрланганларнинг ахлоқий ва психологияк холатини яхшилаш;

жабрланганларга гуманитар ёрдам кўрсатиш (озиқ-овқат ва сув етказиб беришни ташкил этиш, буюмларни йиғиш ва бошқа мумкин бўлган ёрдам) ишларига жалб этиш;

фавқулодда вазиятлар ва ёнгинлар натижасида заарар кўрган худудлардан одамларни эвакуация қилиш ва вақтинча жойлаштиришга ёрдам бериш.

## **2. Волонтёрликнинг мақсад ва вазифалари**

2.1. Волонтёрлик фаолиятининг мақсадлари жисмоний ва юридик шахсларга, умуман жамиятга ёрдам кўрсатиш, атроф-муҳитни Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фавқулодда вазият натижасида жабрланган фуқароларга ёрдам бериш, ижтимоий аҳамиятга молик тадбирларда уларни ташкил этувчиларнинг розилиги билан иштирок этиш, ўзини-ўзи ташкил этишни, бирдамлик, ўзаро ёрдам бериш ва раҳм-шафқат туйғуларини шакллантиришдан иборатдир.

2.2. Волонтёрлик фаолиятининг вазифалари қўйидагилардан иборат:

Фавқулодда вазиятларни бартараф этишда, жабрланганларга ёрдам кўрсатишида касбий билимларини ўзлаштириш;

одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлиғини сақлаш юзасидан кечикириб бўлмайдиган ишларни амалга оширишда, шунингдек, зилзила билан боғлиқ фавқулодда вазиятларни бартараф этишда иштирок этиш;

фавқулодда вазиятлар шароитида юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ҳамда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ишларини олиб боришида кўмаклашиш.

## **3. Волонтёрларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг ишларини ҳисобга олиш тартиби**

3.1. Жисмоний шахслар томонидан волонтёр сифатида рўйхатдан ўтиш [www.volontyor.uz](http://www.volontyor.uz) веб-сайти орқали амалга оширилади.

3.2. Ўзбекистон Республикаси ёшлар ишлари агентлиги волонтёрларнинг ҳисобини юритади.

3.3. Барча волонтёрлар **yoshlarportali.uz** сайтида “Волонтёрлик” тутмаси орқали рўйхатдан ўтади. Рўйхатга олинган номзодлар маҳсус тайёргарликдан ўтиб, белгиланган тартибда аттестация синовларини топширадилар. Синовлардан муваффақиятли ўтган номзодларга “қутқарувчи” мақоми ва қутқарувчи китобчаси берилади.

3.4. Волонтёр-қутқарувчининг фаолиятини ҳисобга олиш учун “Қутқарувчи китобчаси” юритилади. Унда волонтёр томонидан бажарилган ишларнинг тури ва кўлами, рағбатлантирилганлиги ва қўшимча ўқитилганлиги тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади. Ушбу маълумотлар тегишли давлат идоралари, ташкилотлар, муассасалар ёки волонтёрлик фаолиятини (машғулотларни) амалга оширган корхоналар томонидан тўлдирилади ва масъул шахснинг имзоси ва ушбу ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланади.

## **4. Волонтёрнинг хуқуқ ва мажбуриятлари**

4.1 Жисмоний ва юридик шахслар ихтиёрий ва эркин равишда волонтёр-қутқарувчи фаолиятни якка тартибда ёки биргаликда, жамоат ташкилотини ташкил этган ёки ташкил этилмаган ҳолда амалга ошириши мумкин.

**4.2. Волонтёр-қутқарувчининг хуқуклари:**

ўзининг эҳтиёжлари ва қизиқишлиарига жавоб берадиган волонтёрлик фаолиятининг йўналишларини танлаш;

унга юкланган вазифаларни бажариш учун барча керакли бўлган маълумотларни, жиҳозларни, шунингдек, воситаларни олиш;

ташкилот, муассаса ёки корхона томонидан “қутқарувчи китобчasi”га у томонидан бажарилган ишнинг тури ва ҳажми, рафбатлантирилганлиги ва қўшимча ўқитилганлиги тўғрисидаги маълумотларни киритилиши, шунингдек, ушбу маълумотларни масъул шахснинг имзоси ва ушбу ташкилот, муассаса муҳри билан тасдиқлашини талаб қилиш;

волонтёрлик фаолиятини шакли ва усулларини муҳокама қилиш ҳамда янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар бериш;

қутқарув ишларида иштирок этиш учун ҳаёти ва соғлигини сұфурта қилиш;

ўзининг иши учун эътироф ва миннатдорчилик олиш;

ўзига юкланган вазифаларни бажариши учун зарур бўлган билим ва кўникмаларга эга бўлиш;

вазифани бажаришдан бош тортиш;

волонтёрлик фаолиятини тўхтатиш истагини волонтёрлик ташкилоти, муассаса, корхонага хабар бериш йўли билан волонтёрлик фаолиятини тугатиш.

**4.3. Волонтёрлар вазифалари:**

танлаган ишни аниқ ва чин дилдан бажариш;

ўтказилган йўриқномалар ва берилган қўрсатмаларга амал қилиш;

ўзининг жисмоний, махсус, тиббий, руҳий тайёргарлигини ҳамда фавқулодда вазиятларни бартараф этиш бўйича ҳаракат қилиш кўникмаларини такомиллаштириб бориши.

## **5. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг хуқуқ ва мажбуриятлари**

5.1. Волонтёр-қутқарувчи, волонтёрлар-гурухлари (отрядлари) томонидан мазкур Низомнинг 1.3-бандида кўрсатилган фаолият йўналишлари бўйича ишларни амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қўйидаги хуқуқга эга:

волонтёр-қутқарувчи, волонтёрлар-гурухлари (отрядлари)дан амалга оширилган ишлари тўғрисида ҳисбот олиш;

ходимлар ва мол-мулкка хурмат ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишларини волонтёр, волонтёрлар-гурухлари (отрядлари)дан талаб қилиш;

волонтёр-қутқарувчи, волонтёрлар-гурухлари (отрядлари)ни рағбатлантириш;

ушбу Низомнинг 1.3-бандида назарда тутилган волонтёрлик фаолияти соҳаларида ўқув семинарлар, тренинглар, учрашувлар, мусобақалар ва бошқа тадбирларни ўтказиш;

ушбу Низомнинг 1.3-бандида назарда тутилган волонтёрлик фаолияти соҳаларида волонтёр-қутқарувчи, волонтёрлар-гурухлари (отрядлари)нинг ҳудудий, республика ва халқаро тадбирларда иштирок этишини ташкил этиш;

Ёшлар ишлари агентлигидан Ўзбекистон Республикаси худудидаги волонтёр-қутқарувчи, волонтёрлар-гурухлари (отрядлари) фаолияти тўғрисидаги маълумотларни сўраб олиш.

5.2. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги волонтёrlар томонидан ушбу Низомнинг 1.3-бандида кўrsatilgan фаолият йўналишлари бўйича ишларни амалга ошираётганда, мажбурдир:

волонтёр билан волонтёрлик фаолияти бўйича шартнома тузиш;

волонтёрга унинг хуқуқ ва вазифаларини тушунтириш;

техника хавфсизлиги қоидалари бўйича йўриқнома ўтказиш;

волонтёрларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган ишларни бажаришига йўл қўймаслик;

волонтёрга ўз ишини бажариши учун зарур бўлган маълумотларни тақдим этиш;

волонтёрлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган машқ ва машғулотларни ўтказиш;

волонтёрлар-гурухлари (отрядлари)ни ҳисобини юритиш;

волонтёрларни қидирав-қутқарув ишларида тўғри ҳаракат қилишга ўқитиш;

волонтёрлар-гурухлари (отрядлари) билан ўқув семинарлар, тренинглар, учрашувлар, мусобақалар ва бошқа тадбирларни ўтказиш;

волонтёр-қутқарувчиларни аттестациядан ўтказиш;

волонтёр-қутқарувчи гувоҳнома ва китобчасини бериш;

ваколат доирасида волонтёрларни рағбатлантириш.

5.3. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги волонтёрлик фаолиятининг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги, шунингдек, бошқа ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлик қиласи.

## **6. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг хуқуқ ва мажбуриятлари**

6.1. Волонтёр томонидан мазкур Низомнинг 1.3-бандида кўrsatilgan фаолият йўналишлари бўйича ишларни амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги қўйидаги хуқуқга эга:

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан ҳамкорлик тўғрисида битим тузиш;

волонтёр-қутқарувчи, волонтёрлар-гурухлари (отрядлари)дан амалга оширилган ишлар тўғрисида хисобот олиш;

волонтёр-қутқарувчи, волонтёрлар-гурухлари (отрядлари)ни рағбатлантириш;

ушбу Низомнинг 1.3-бандида назарда тутилган волонтёрлик фаолияти соҳаларида ўқув семинарлар, тренинглар, учрашувлар ва бошқа тадбирларни ўтказиш;

ушбу Низомнинг 1.3-бандида назарда тутилган волонтёрлик фаолияти соҳаларида волонтёр-қутқарувчи, волонтёрлар-гурухлари (отрядлари)нинг ҳудудий, республика ва халқаро тадбирларда иштирок этишини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирлигидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги волонтёр-қутқарувчи, волонтёрлар-гурухлари (отрядлари) фаолияти тўғрисидаги маълумотни сўраб олиш.

6.2. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги волонтёrlар томонидан ушбу Низомнинг 1.3-бандида кўrsatилган фаолият йўналишлари бўйича ишларни амалга ошираётганда, мажбурдир:

ушбу Низомнинг 3.3-бандида кўrsatилган ҳужжатлар тақдим этилганда “қутқарувчи китобчаси”ни тўлдириш ва беришга; бу бандни олиш керакмасми МЧСга қўйилдику.

“Фавқулодда вазиятлар волонтёрлари” лойиҳаси волонтёр-қутқарувчиларини маҳсус кийим-бош билан таъминлашга (кийим бош тури Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланади);

қутқарув ишларида иштирок этадиган волонтёрнинг ҳаёти ва соғлиғини суғурта қилишга;

волонтёrlар билан ўтказиладиган машғулот ва семинарлар вақтида озиқовкат билан таъминлаш;

ваколат доирасида волонтёrlарни рағбатлантириш.

6.3. Ўзбекистон Республикаси ёшлар ишлари агентлиги волонтёр-қутқарувчи фаолиятининг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, шунингдек, бошқа ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлик қиласи.

## **7. Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон волонтёrlар ассоциациясининг хуқуқ ва мажбуриятлари**

7.1. Волонтёр томонидан мазкур Низомнинг 1.3-бандида кўrsatилган фаолият йўналишлари бўйича ишларни амалга оширганда Ўзбекистон волонтёrlар ассоциацияси қуидаги хуқуқга эга:

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан ҳамкорлик тўғрисида битим тузиш;

волонтёр-қутқарувчи, волонтёрлар-гурухлари (отрядлари)дан амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисбот олиш;

волонтёр-қутқарувчи, волонтёрлар-гурухлари (отрядлари)ни рағбатлантириш;

ушбу Низомнинг 1.3-бандида назарда тутилган волонтёрлик фаолияти соҳаларида ўқув семинарлар, тренинглар, учрашувлар ва бошқа тадбирларни ўтказишга кўмаклашиш;

ушбу Низомнинг 1.3-бандида назарда тутилган волонтёрлик фаолияти соҳаларида волонтёр-қутқарувчи, волонтёрлар-гуруҳлари (отрядлари)нинг ҳудудий, республика ва халқаро тадбирларда иштирок этишини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги волонтёр-қутқарувчи, волонтёрлар - гуруҳлари (отрядлари) фаолияти тўғрисидаги маълумотни сўраб олиш.

7.2. Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон волонтёрлар ассоциациясининг волонтёрлар томонидан ушбу Низомнинг 1.3-бандида кўрсатилган фаолият йўналишлари бўйича ишларни амалга ошираётганда, мажбурдир:

волонтёрларнинг ҳисобини юритиш;

ваколат доирасида волонтёрларни рағбатлантириш.

волонтёрларни ўқитиш.

## **8. Якунловчи қоидалар**

Волонтёрлик фаолиятини амалга ошириш соҳасидаги низолар мазкур Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.